

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлэзма ҳуқуқида
УДК: 378.001.895(5751)

ТЕШАБОЕВ ТЎЛҚИН ЗОКИРОВИЧ

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.13. - “Менежмент ва маркетинг”

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ – 2009



378(0433) Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат
ва жамият қурилиши академиясида бажарилган
П-45

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари номзоди
Арипов Абдулла Нигматович

Расмий оponentлар: иқтисод фанлари доктори, профессор.
Икрамов Мурат Акрамович

иқтисод фанлари номзоди
Нигманов Эркин Абдулмуғнивич


Етакчи ташкилот: Тошкент молия институти

Ҳимоя 2009 йил “11” декабрь соат 9⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 067.06.01- рақамли
иқтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзилгоҳ: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети
кутубхонасида танишиш мумкин

Автореферат 2009 йил “9” исети да тарқатилди

Иқтисослашган кенгаш
илмий котиби, и.ф.д., проф.  Б.Б.Беркинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Илм-фан ва замонавий технологияларни ривожлантириш Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини амалга ошириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган устувор вазифалардан бири саналади. Ўзбекистон Республикасини жаҳон бозорларига чиқиши ва у ерда ўзига муносиб ўринни эгаллаши учун илм-фан ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиладиган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқара оладиган иқтисодий тизимни шакллантириши шарт. Бундай маъсулиятли вазифани мукамал даражада бажариш учун эса миллий илм-фанни ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини жадал тарзда ривожлантиришга катта аҳамият берилиши даркор.

Мамлакатимизда шакллантирилаётган янгича бозор муносабатлари илм-фан даргоҳларининг ва шу жумладан, олий таълим беришга ихтисослашган муассасаларнинг фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу каби муассасалар ўз фаолиятининг пировард натижаларини тижоратчилик конунлари асосида тадбиқ қилишга ўтмоқда. Мавжуд шарт-шароитларда миллий илмий муассасаларимизда ва олий ўқув юрғларимизда яратиладиган илмий-инновацион маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотишга мослаштирилган тизимни шакллантириш таълим муассасаларининг функционал фаолияти самарадорлигини оширишнинг ҳамда бозор муносабатлари асосида ишлашга ўтишнинг муҳим шартларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "...банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозоридан янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир"¹ деб, республикамизда бугунги кунда амалга оширилиши зарур бўлган масалалар, жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида тўхталиб, муассаса ва ташкилотларнинг маъсулиятини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Бозор шарт-шароитларида ўз ҳаётий лаёқатини барқарор сақлашга интиладиган ҳар қандай олий таълим муассасаси пировард натижада илм-фан соҳасида ёки кадрлар тайёрлаш тизимида бирон бир янгиланишни яратишга, янги ғояларни амалга оширишга, яъни ғояларнинг моддийлаштирилишига ҳамда бозорларда нуфузли харидорларга сотилишига эришиши лозим. Олий таълим муассасаларининг фаолиятини тижоратчилик асосида йўлга қўйилиши уларни функционал вазифаларидан бирмунча чалғитиши мумкин албатта, аммо илмий-инновацион фаолият билан шугулланиш охир оқибатда

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -14 б.

олий ўқув юртларига моддий жиҳатдан ўз-ўзини таъминлаш имкониятини яратиб беради.

Республикамиз миқёсида амал қилувчи инновацион муҳитнинг яратилиши баробарида маҳаллий олий таълим муассасаларининг инновацион фаолиятни фаоллаштириш объектив эҳтиёжга айлангани риворардида биз амалга ошираётган илмий ишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизнинг шонушарафига айланган улуғ боболаримиз ўз замонасида ривож топган илмфаннинг барча йўналишларида ижод қилиб, каттадан-катта ишларга қўл уришган. Олиму фузалоларимиз биз муҳокама этаётган масалалар юзасидан ҳам жуда ўринли ва мантқиқли мулоҳазаларни (870-1782 й.) билдиришган.

Инновацион фаолият соҳасига оид турли хил муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш XX асрнинг 60-йилларида, турли хилдаги маркетинг концепциялари шакллантирилиши ҳамда жаҳон иқтисодиётда инновацион фаолият қўламларининг кенгайтиши муносабати билан айниқса кенг авж олди. Мавзуимизга оид турли муаммоларнинг ечимини излашга ўз вақтида И.Шумпетер, Б.Санто, П.Уайт, М.Пойсик, И.Ансофф, В.Алтухов, В.И.Андреев, В.Фридлянов, Ф.И.Перегудов, Ф.П.Тарасенко, Ю.А.Яковец, И.Осокина ва бошқалар катта ҳисса қўшди. Таълим бериш технологиялариغا алоқадор долзарб муаммоларнинг ечимини излашга П.В.Акиннин, Е.Н.Богачев, М.В.Кларша, А.Н.Тихонов ва бошқалар муносиб ҳисса қўшди. Маориф соҳасидаги инновацион жараёнлар муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга А.В.Бельков, Л.Бжилянская, Е.Г.Ефимов, В.Г.Ивахник Г.В.Иляхинский, С.А.Кузнецов, Н.П.Макаркин, С.К.Сергеев, В.А.Шоповалов ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшди. Таълим беришнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини баҳолаш муаммосининг айрим назарий жиҳатларини ўрганиб чиқишга Д.Е.Давыдянц, Л.К.Пиния, Б.И.Скурыдин ва бошқалар алоҳида эътибор қаратишган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим хизматлари бозорида менежмент ва маркетинг масалаларига бағишланган тадқиқот ишлари М.Шарифхўжаев, Қ.Х.Абдурахмонов, А.Н.Арипов, А.Бекмуродов, Ш.Зайнутдинов, Г.Қосимов, М.Қосимова, А.Кучаров, Д.Рахимова, М.Сандов, С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Т.К.Иминов, Н.А.Мўминов, М.Л.Турсунходжаев ва бошқалар томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион фаолиятни йўлга қўйиш ҳамда уни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар етарлича ўрганилмаган. Масаланинг шу жиҳати айнан ушбу тадқиқот мақсади ва вазибаларини белгилаб олишга асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси “Замонавий менежмент назарияси ва амалиёти” кафедраси томонидан “Бошқарув кадрларини тайёрлаш тизими” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишининг режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади – олий таълим тизимида инновацион фаолиятнинг назарий-услубий ҳолатларини тадқиқ этиш асосида уни бошқаришни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазибалари. Қуйидагилар тадқиқот вазибалари ҳисобланади:

- олий таълим муассасаларининг инновацион фаолиятнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;
- “инновацион фаолият” тушунчасига хорижий ва маҳаллий олимлар берган таърифларни илмий жиҳатдан туркумлаш;
- илмий муассаса ва олий ўқув юртлирида инновацион фаолиятнинг мезон ва кўрсаткичлари воситасида баҳолаш услубиятини қўллаш йўлларини аниқлаш;
- Ўзбекистонда инновацион фаолиятни тартибга солиш ва ривожланиш тенденцияларини ўрганиш;
- олий ўқув юртлирида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот предмети. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг кадрларни тайёрлаш жараёнида илмий-инновацион фаолият, турли олий ўқув юртлири, саноат корхоналарининг ташкилий соҳадаги ўзаро муносабатлари ва бошқарув жараёнлари тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари, уларнинг илмий бўлимлари, илмий-инновацион тузилмалари олинган.

Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистонда иқтисодий ва таълим соҳасида ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Олий таълим тизимини модернизациялаш масалаларига бағишланган асарлари, мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг маққур муаммонинг турли жиҳатларини ўрганишга бағишланган илмий ишлари, менежмент соҳаси бўйича илмий, ўқув-услубий адабиётлар, жорий метёрий ҳужжатлар ташкил этади.

Илмий ишда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳисоботлари ва маъруза доир бошқа ахборот ва маълумотлардан фойдаланилди.

Тадқиқот методлари. Илмий ишни амалга ошириш давомида тизимли таҳлил, абстракт-мантиқий, монографик, таққослаш, иқтисодий-математик усулларидан кенг фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион фаолиятини тавсифловчи миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш услублари;

- олий таълим муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш тизимларининг илмий-инновацион фаолият соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиши учун қулай муносабатлар тизими;

- инновацион маҳсулотларнинг шакл ва мазмун жиҳатидан мутлақо янги логистик оқимлари тузилишини таърифловчи ғоялар;

- олий таълим тизимининг инновацион фаолият бошқарувини такомиллаштиришнинг тузилмавий-манتيқий модели.

Ишнинг илмий янгилиги.

- олий таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини бошқариш ва уларни тартибга солиш тўғрисидаги илмий ёндашувлар ва “инновацион фаолият” тушунчаси асосланган;

- олий таълим муассасалари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида илмий-инновацион ва ахборот-таҳлилий фаолият бўлимини жорий этиш таклиф этилган;

- бозор муносабатлари шароитида миллий олий таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг тузилмавий-мантиқий модели асосланган ҳамда мақсад ва вазифалари ишлаб чиқилган;

- олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион фаолиятини тавсифловчи микдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш услублари таклиф этилган;

- Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ва инновацион фаолияти тадқиқ этилиб, фаолият натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

- республикада олий таълим муассасаларида илмий-инновацион фаолиятни моделлаштириш усуллари таклиф этилган;

- олий таълим муассасалари инновацион фаолиятини такомиллаштириш мақсадида олий таълим ва бизнес субъектлари билан интеграцион алоқалари ва ҳамкорлик тизимини ривожлантириш тизими таклиф этилган;

- республика олий таълим тизимларининг инновация салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш йўллари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.
Диссертациянинг яқуний натижалари республикада микёсида илмий-инновацион фаолият бозорини шакллантириш учун аҳамиятли бўлган назарий, услубий ва амалий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, тўпланган илмий маълумотлар, хулосалар ва амалий аҳамиятга молик бўлган тавсиялар республикада олий ўқув юртида қўлланилиши мумкин.

Илмий иш натижалари пировардида диссертацияга асос қилиб олинган мавзунинг назарий ва услубий асосларини, тадқиқотларни амалга ошириш, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг инновацион фаолиятини таҳлил қилиш воситаларини ривожлантиришга, фаолиятни ташкил этиш

жараёнларини услубий жихатдан таъминлашга муайян ҳисса бўлиб кўшилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертациянинг асосий натижалари ва хулосалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиларга инновацион менежмент, замонавий менежмент назарияси ва амалиёти фанларидан таълим бериш жараёнида ҳамда инвестицион фаолиятни бошқариш фанидан ўқув комплекси тайёрлашда (маълумотнома №07/357-20.03.2009) ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети (маълумотинома №128/01-05.02.2009) илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот ишининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси “Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари” факультетининг кенгайтирилган илмий-услубий семинарида, Тошкент давлат техника университетиининг “Менежмент” кафедраси илмий семинари йиғилишида, Тошкент ахборот технологиялари университетиининг “Менежмент ва маркетинг” ҳамда “Иқтисод” кафедраларининг кенгайтирилган илмий семинари йиғилишида ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети 08.0013- “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича илмий семинар йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий натижалари бўйича 7,75 босма табоқ ҳажмида 1 та монография ва 7 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловалардан иборат. Илмий иш 150 бетдан иборат бўлиб, 15 жадвал ва 14 расмларни ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган ва унинг предмети, объекти, мақсади ва вазибалари изоҳланган.

Диссертациянинг “**Олий таълим муассасалари фаолиятини инновацион жихатдан йўналтириб модернизациялаштириш**” номи 1- бобида таълим муассасалари инновацион фаолиятининг назарий-услубий асослари муҳокама этилиб, назарий жихатдан олганда олий ўқув юр்தларининг мамлакат илмий-техник салоҳиятини яратишга қодир бўлган инновацион фаолият субъекти сифатидаги роли очиқ берилган.

Ўтган асрда кенг қўламларда ривож топган илмий-техник инқилоб иқтисодчиларнинг диққат-эътиборини ишлаб чиқариш соҳасида рўй бераётган турли хил технологик ўзгаришларга тортди. Шундай ўзгаришлардан бирини илмий тилда «инновация» тушунчаси билан атай

бошлашди. Ҳозирги замонда «инновация» тушунчаси бирон бир турдаги фаолиятни таркибий жиҳатидан янгиланишини, тубдан ўзгартирилишини ифода этади². Бунда мавжуд ташкилий тузилма, ёхуд жараённинг алоҳида олинган элементини нисбатан мукамалроқ бошқа бир элемент билан алмаштирилиши, ёхуд мавжуд тизимнинг янги элементлар билан бойитилиши ҳисобига такомиллаштирилиши назарда тутилади.

Инновациялар даставвал, инсонлар онгида мавжуд реаллик билан унинг идеал ҳолати ўртасидаги тафовут инъикоси сифатида шаклланади. Аксарият ҳолларда, инновацион ғоялар тез ўсиб бораётган эҳтиёжлар билан нисбатан суист ривожланаётган ишлаб чиқариш тизимининг потенциал имкониятлари ўртасидаги ички зиддиятларни бартараф этишга интилиш асосида шаклланиб боради. Ушбу жараённинг бу зайдда ривожланишига икки хил сабаб таъсир кўрсатади. Бир томондан, инсонларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжлари ниҳоятда динамик хусусиятли бўлгани боис улар бетиним ўзгариб, талаб даражаси юксалиб бораверади.

Табииyki, инсон ўз эҳтиёжларини қондиришнинг мавжуд услубларини такомиллаштиришга ҳамда янги усулларини, имкониятларини излаб топади. Иккинчи томондан, инсонлар яшайдиган муҳит ва шарт-шароитлар узлуксиз ўзгартирилиб, такомиллаштирилади. Бу ҳол одамлардан ўзгариб бораётган янги шарт-шароитларга мослашиб боришни талаб этади. Шу боис, жамият аъзолари ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий муҳитда муносиб ўринни эгаллаши учун доимий равишда ўз устида ишлаши, ривожланиши, билим савиясини ва малакасини ошириб бориши, бошқалар томонидан яратилаётган янгиликларни ўзлаштириб олиши даркор.

Олий ўқув юртларининг инновацион фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганиш давомида турли хил муаммолар ушбу соҳада ишлатиладиган асосий тушунчаларни талқин этиш давомидаёқ кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби шуки, биз учун биринчидан, «инновацион фаолият» ва айниқса, «олий ўқув юртларининг инновацион фаолияти» деган тушунчаларнинг ўзи нисбатан олганда янгиликдир.

Илмий адабиётларда «инновацион фаолият» тушунчаси мазмунан илм-фан соҳасида яратилган янги ғоя асосида ишлаб чиқарилган мутлақо янги, ёхуд такомиллаштирилган ва товарлар бозорига чиқарилган новациянинг ўзидан ташқари бу жараённинг илк босқичларида амалга оширилган турли хил илмий изланишларни, ишланмаларни ҳам қамраб олади. Бундан келиб чиқадикки, инновацион фаолият негизда амалга ошириладиган илмий фаолиятнинг қай даражада инновацион хусусият касб этишини аниқлаш лозим бўлади.

Шуларни инобатга олиб диссертацияда «инновация» тушунчасини тадқиқотчилар томонидан изоҳланиши ўрганилган. Ф.Р.Иргашев ҳамда

² Яковец Ю.А. Инновации в переходной экономике. Сборник "Наука и инновации в период становления постиндустриального общества". –М.: ИЭРАН, 1998.

Д.Н.Рахимоваларнинг фикрича³ инновация - бу биринчидан, инновация ғоясига эга бўлган муайян ахборот тўплами (инновация ахборотнинг бир кўриниши тарзида ва шу маънода фаразий янгилик); иккинчидан, тегишли бошқарув қарорини қабул қилиниши жараёни орқали ўтган ва моддийлашган инновация ғояси (инновация уни ўзлаштириш, бошқарувга жорий этиш жараёни тарзида ёки амалга оширадиган, рўёбга чиқадиган янгилик); учинчидан, бошқарув натижаси ёки жорий қилинган янгиликдир.

А.И.Анчишкин инновацияларни, унинг асосини ташкил этувчи илмий ғояларнинг моддийлашуви даражасига қараб фарқланувчи куйидаги уч хилга ажратади⁴:

- принципаал жиҳатдан мутлақо янги илмий ғояларнинг амалиётга тадқиқ этилиши туфайли ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатидан иккинчи даражада ўзгаришига сабаб бўлувчи инновациялар;

- ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиладиган технологияларнинг такомиллашуви натижасида амалдаги техник воситаларнинг ўзгартирилишига сабаб бўлувчи инновациялар. Одатда, бундай вазиятда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкиллаштириш асосида ётадиган фундаментал илмий тамойиллар ўзгармасдан қолади;

- амалдаги техник воситаларнинг миқдор жиҳатидан ўзгаришига сабаб бўлувчи, жараёнларни ва техник воситаларни модификациялаштирувчи инновациялар.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, амалга оширилиш вақти ва кўламлари нуқтаи назаридан инновацияларни иқтисодчи олимлар куйидаги турларини фарқлашади:

- амалдаги хўжалик юритиш усулларини ҳамда технологияларини мутлақо ўзгартиришга асосланадиган инновациялар;

- ишлаб чиқариш, хўжалик юритиш соҳасида муайян ўзгартиришларни (ўрин алмаштирилиши) амалга оширишга асосланган инновациялар;

- жорий пайтдаги шарт-шароитларда функционал жиҳатдан аналоглари мавжуд бўлмаган, фундаментал янгиликларга асосланган инновациялар;

- ретроянгиликлар, яъни илгари мавжуд маҳсулотларни, ишлаб чиқариш услублари ва воситаларини сифат жиҳатидан янгича босқичда қўллашга имкон берувчи инновациялар.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, узок муддатли циклик тебранишларга мойил бўлган бир қатор техник-иқтисодий омилларнинг таъсири остида амалга ошириладиган инновацион фаолиятга қулай шароит туғдирувчи ва аксинча, тўсқинлик қилиши мумкин бўлган даврлар кузатилади. Бу билан демократизми, миллий иқтисодиёт тизими негизида фаолият юритувчи иқтисодий агентлар инновацион фаолиятни амалга ошириши давомида ташқи муҳит шарт-шароитларининг даврий ўзгаришларига эътибор бериши

³ Ф.Эргашев, Д.Рахимова ва бошқалар. Инновацион менежмент. –Т.: Академия, 2005.

⁴ А. И. Анчишкин Наука - техника - экономика. - М.: Экономика, 1986,

зарур. Шу нуқтан назардан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасалари инновацион фаолиятини ишлаб чиқариш (бизнес) тузилмалари билан ҳамкорлигини амалга ошириш самаралидир. Б.Ю.Ходиевнинг фикрича⁵ “Олий таълим муассасалари инновацион фаолиятини такомиллаштиришни асосий йўналишларидан бири бу - олий таълим ва бизнес субъектларини шериклик-васийлик ҳамкорлик тизимини ривожлантириш ҳисобланади. Бу тизим, бир томондан, корхоналарни мақсадли дастурларини амалга оширишда олий таълим муассасаларни илмий салоҳиятидан фойдаланишни назарда тутса, иккинчи томондан, олий таълим муассасаларини қўшимча молиявий манбалар билан таъминлайди”.

Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув инновацияларни амалиётга тезроқ жорий этиш муддатини тезлаштиради ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, инновацион фаолият соҳаси - моддий неъматлар яратилиши жараёнида бевосита иштирок этмасда, ўз фаолияти давомида моддий тусга эга бўлмаган, бироқ моддий ишлаб чиқариш жараёнларининг амал қилиши ва ривожланиши учун зарур бўлган алоҳида турдаги истеъмол қийматларини ишлаб чиқарувчи иктисодиёт соҳалари, ижтимоий фойдали меҳнат турларининг йиғиндиси ҳисобланади.

Диссертацияда илмий тушунчалардан тўғри фойдаланиш борасида мавжуд муаммоларни эътиборга олиб, «инновацион фаолият» тушунчасига куйидагича таъриф бериш таклиф этилади: инновацион фаолият - бу иктисодий фаолият соҳасидаги жараёнларни радикал тарзда ўзгартиришга ёрдам бериши мумкин бўлган бирон бир янгиликни яратиш, оммавийлаштириш ва такрор ишлаб чиқариш жараёнларини қамраб олувчи алоҳида фаолият туридир.

Инновацион фаолият илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларини ўзаро бирлаштириб, уларнинг салоҳиятини оширишга имкон берувчи ўзига хос ишлаб чиқариш кучи бўлиб, унинг таъсир самараси ўлароқ, нисбатан мустақил фаолият тури ҳисобланмиш илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш, янгилик сифатида амалиётга жорий этилиши мумкин бўлган илмий кашфиётларни иктисодий агентларнинг жорий фаолияти давомида юзага келадиган турли хил муаммоларини бартараф этиш, эҳтиёжларини қондириш воситаси ҳисобланади. Шу ўринда масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратилади. Илмий тадқиқот муассасалари билан олий ўқув юр்தларининг ва саноат корхоналарининг инновацион фаолияти мазмун-моҳиятан бир-биридан фарқланади. Таъкидлаш лозимки, олий ўқув юр்தларида илм-фанни ривожлантиришга, унинг жаҳон фундаментал ва амалий тадқиқотлар тизимига интеграциялашувига, республика экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган халқаро илмий-

⁵ Б.Ю.Ходиев Итого и направления дальнейшего развития системы партнёрско-попечительского сотрудничества вузовской науки, образования и бизнеса в условиях воздействия мирового финансово-экономического кризиса. - Т: Иктисодиёт -2009

техник ҳамкорлик олий ўқув юртларида таълим ва илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги, уларнинг илмий мактаблари, илмий ёшларни тарбиялаш – булар энг муҳим белгиловчи омиллардир. Миллий иктисодиётни модернизация этиш шароитида олий таълим муассасаларини ёш малакали илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлар билан таъминланганлиги олий таълим муассасасининг илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этишни асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Шундан назардан келиб чиқиб, илмий ишда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида юқори илмий малакали кадрларнинг ёши бўйича таркиби ўрганилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида юқори илмий малакали кадрларнинг ёши бўйича таркиби, %

| Ёш бўйича гуруҳлар | 2004 й. | 2005 й. | 2006 й. | 2007 й. | 2008 й. |
|-------------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Юқори малакали кадрлар- жами | | | | | |
| 29 ёшгача | 2,0 | 3,0 | 3,3 | 4,1 | 4,2 |
| 30-40 ёш | 8,9 | 10,0 | 13,0 | 14,1 | 15,1 |
| 41-50 ёш | 24,6 | 23,5 | 22,1 | 21,7 | 21,2 |
| 51-60 ёш | 31,5 | 32,1 | 29,7 | 28,7 | 29,7 |
| 61-70 ёш | 23,5 | 23,0 | 24,5 | 23,5 | 22,7 |
| 70 ёшдан катта | 9,5 | 8,4 | 7,4 | 7,9 | 7,1 |
| Жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Шу жумладан, фан докторлари | | | | | |
| 29 ёшгача | 0,0 | 0,1 | 0,6 | 1,0 | 1,8 |
| 30-40 ёш | 2,6 | 3,1 | 5,0 | 4,5 | 5,2 |
| 41-50 ёш | 20,5 | 19,5 | 20,0 | 20,6 | 19,2 |
| 51-60 ёш | 33,0 | 34,9 | 32,3 | 32,6 | 34,4 |
| 61-70 ёш | 29,7 | 29,8 | 31,0 | 29,6 | 29,1 |
| 70 ёшдан катта | 14,2 | 12,9 | 11,1 | 11,7 | 10,3 |
| Жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Фан номзодлари | | | | | |
| 29 ёшгача | 4,2 | 5,8 | 6,2 | 7,1 | 6,9 |
| 30-40 ёш | 15,2 | 17,1 | 21,0 | 23,6 | 24,9 |
| 41-50 ёш | 28,7 | 27,7 | 24,2 | 23,0 | 23,1 |
| 51-60 ёш | 29,9 | 29,5 | 27,0 | 24,8 | 25,0 |
| 61-70 ёш | 17,3 | 16,1 | 18,0 | 17,4 | 16,2 |
| 70 ёшдан катта | 4,7 | 3,8 | 3,6 | 4,1 | 3,9 |
| Жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |

*Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

1-жадвал маълумотлари кўрсатишича, юқори малакали кадрлар сони ўсишининг умумий манзарасига назар солинса, кадрлар ёшининг таркибидаги ўзгаришларни кузатиш мумкин. Олий ўқув юртлари илмий малакали кадрлари таркибида 50 ёшдан юқори бўлган кадрлар асосий ўрин эгаллаган.

Агар 2004 йилда ушбу ёшдагилар гуруҳи фан докторларининг умумий миқдоридан 76,9 % ва фан номзодларидан 51,9 % ташкил қилган бўлса, 2008 йилга келиб фан докторлари ва номзодлари орасида 50 ва ундан катта ёшлилар сони мос равишда 73,8 % ва 45,1 %ни ташкил этди. 30 ёшгача бўлган ёшлар сони ҳам нисбатан паст. Юқори малакали кадрларнинг ёши кўрсаткичларини таҳлил қилинганда, шу ҳол маълум бўлдики, 2008 йил маълумотларига кўра, фан докторлари ва номзодларининг асосий қисмини (мос равишда - умумий миқдоридан 34,4% ҳамда 25%) 51-60 ёшдагилар гуруҳи ташкил этади, илмий “ёшлар”нинг салмоғи эса (40 ёшгача) мос равишда 8% ва 31,8%ни ташкил қилади.

Муаллифнинг фикрича, олий таълим муассасаларида илмий даражага эга бўлган юқори малакали ёш кадрларни тайёрлаш учун бевосита мақсадли истиқболли режалар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараён эса пировард натижада олий таълим муассасасининг инновацион фаолиятини фаоллашувига олиб келади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “Ўзбекистонда олий таълим муассасаларининг инновацион фаолиятни ҳозирги ҳолатини таҳлили ва ривожланиш тенденциялари” деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикасидаги илмий-инновацион фаолият ҳолатининг таҳлили ва ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган ва олий ўқув юртларининг илмий салоҳиятидан республикамизнинг инновацион тизимини шакллантиришда фойдаланиш бўйича таклифлар берилган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги пайтдаги инновацион тараққиёт модели жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш жараёнида мустақил бўлган илмий-техник ва ишлаб чиқариш тизимларининг интеграциялашувига эришишга асосланган. Бундай интеграцияни амалга ошириш учун давлат ҳокимияти тизимининг барча бўғинларида умумий сиёсат тамойиллари бўйича иш юритилиб, барча чора - тadbирлар ўзаро мувофиқлаштирилиши, илмий-техник соҳани изчил ва аниқ мақсад йўлида ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар, рағбатлар тизими яратилиши керак. Ушбу фаолиятни амалга ошириш давомида республикамизнинг рақобатчилик курашида устунлик қилишга имкон бериши мумкин бўладиган алоҳида хусусиятларини инобатга олиб иш тутиш зарур.


Республика олий таълим муассасаларида катта илмий салоҳият мужассамланган бўлиб, фаолият кўрсатаётган 21467 нафар профессор-ўқитувчилардан 1666 нафар фан докторлари ва 7386 нафар фан номзодлари таълим-тарбия ҳамда илм-фаннинг ривожланишига ҳисса қўшиб

келмоқдалар. Илмий салоҳият республика олий таълим муассасаларида ўртача 42,2 % (жумладан фан докторлари 7,8 % ва фан номзодлари 34,4 %) фоизи ташкил этган. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университети 65,4%, Самарқанд давлат университети 56,8 %, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти 56,7 % ва бошқа шу каби олий таълим муассасаларида илмий даражалилар салмоғи юқори бўлса, Тошкент ахборот технологиялари университети илмий даражалилар салмоғи 30,7% (жумладан, фан докторлари 6,2 % ва фан номзодлари 24,5 %ни) ташкил этади. Бу эса мазкур кўрсаткич етарли даражада эмаслигидан далolat беради.

Илмий ишда Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий ва инновация салоҳиятини ошириш мақсадида университетнинг 2010-2015 йилларга мўлжалланган илмий ва илмий - педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича истиқболли режаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Бу истиқболли режага биноан 2010-2015 йилларда 40 та илмий иновонга эга бўлган кадрлар тайёрлаш кўзда тутилган. Уларнинг 32 тасини фан номзодлари, 8 тасини фан докторлари ташкил этади. Бу кўрсаткичларга эришиш учун авваломбор, олий таълим муассасасининг илмий-инновацион фаолиятини фаоллаштириш ҳамда илмий-педагогик кадрларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш гизими самарадорлигини ошириш даркор.

Шунингдек, университетда илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш ҳамда фан номзодлари ва докторларини тайёрлашда аспирант ва докторантларни мақсадли равишда ривожланган давлатлар илмий марказларига ўқишга жўнатиш амалиётидан кенгрок фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



*Ҳақиқатда мўлжалф тоқсондан Тошкент ахборот технологиялари университетини наъ, умумлари асосини тузилган

1-расм. Тошкент ахборот технологиялари университетини 2010-2015 йилларга мўлжалланган илмий кадрлар тайёрлаш бўйича прогноз кўрсаткичлари

Университетда илмий тадқиқот ишлари ва инновацион фаолият самардорлигини ошириш бўйича зарурий шароитлар мавжуд. Университетда замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган Ҳиндистон ва Ўзбекистон Ҳукумати томонидан ташкиллаштирилган Жавахарлал Неру номидаги Ўзбек-ҳинд ахборот технологиялари маркази, Жанубий Кореянинг рақамли технологиялар агентлиги (KADO) томонидан ташкиллаштирилган Ахборот алмашиш маркази (IAC), Жанубий Кореянинг ахборот технологиялари халқаролаштириш тадқиқот маркази (ITIRC) билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган TATU-ITIRC ахборот технологиялари марказларидан ўқув жараёнида, курслар ташкил этишда, анжуман ва семинарлар ўтказишда кенг равишда фойдаланилмоқда.

Илмий ишда олий ўқув юр்தларининг инновация салоҳиятини кучайтиришга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли хил омиллар кўриб чиқилган. Муаллиф фикрича, шундай омиллардан бири бу венчур капиталидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу омиллардан бири сифатида маҳаллий ҳокимият органларининг «Жойларда илмий-техник салоҳиятини ривожлантириш дастурлари»ни ишлаб чиқиш имкониятидан фойдаланишни эътироф этсак бўлади.

Диссертацияда Тошкент ахборот технологиялари университетидида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш ҳолати ўрганилди (2-жадвал). Университетда давлат бюджети ва хўжалик шартнома асосида амалга ошираётган инновацион лойиҳалар ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

2-жадвал

Тошкент ахборот технологиялари университетидида давлат бюджети ва хўжалик шартномалари асосида бажарилаётган лойиҳалар, %

| № | Лойиҳалар тури | 2004 й. | 2005 й. | 2006 й. | 2007 й. | 2008 й. |
|-------------|-----------------------|------------|------------|------------|------------|------------|
| 1. | Хўжалик шартномаси | 62 | 84 | 53 | 31 | 49 |
| 2. | Амалий лойиҳалар | 0 | 0 | 37 | 14 | 10 |
| 3. | Фундаментал лойиҳалар | 38 | 16 | 10 | 7 | 7 |
| 4. | Инновация лойиҳалар | 0 | 0 | 0 | 48 | 34 |
| Жами | | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |

*Жадвал муаллифи томонидан Тошкент ахборот технологиялари университетини маълумотлари асосида тузилган

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, агар 2004 йилда фақат хўжалик шартномалари ва фундаментал лойиҳалар устида тадқиқотлар олиб борилган бўлса, 2006 йилдан бошлаб амалий ва 2007 йилдан инновация лойиҳалари бўйича ҳам тадқиқот ишлари амалга оширила бошлади. 2008 йил

маълумотларига кўра, хўжалик шартномалари улуши 49 % ташкил этган. Бу кўрсаткич 2005 йилда 84 % тенг бўлган эди. 2007 йилдан инновация лойиҳалар бўйича тадқиқотларни олиб борилиши хўжалик шартномалари улушини пасайишига олиб келди. 2008 йилда инновация лойиҳалар улуши 33% ташкил этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, университетда охириги йилларда инновацион фаолият бўйича самарали ишлар олиб борилган. Олий таълим муассасасининг илмий-инновацион фаолиятни асосий кўрсаткичларидан бири бу хориж грантларини олиш бўйича ҳам амалга оширилган ишлар ҳисобланади. Илмий тадқиқот ишида Тошкент ахборот технологиялари университетида хориж грантларини олиш бўйича амалга оширилган ишлар ўрганилган (3-жадвал).

3-жадвал

Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган чет эл илмий грантлари кўрсаткичларининг ўзгариши

| Кўрсаткичлар | 2006 й | 2007 й | 2008 й |
|---|--------|--------|---------|
| Илмий тадқиқот ишларига жалб қилинган маблағлар, млн.сўм | 87,4 | 293,4 | 465,9 |
| Профессор - ўқитувчилар умумий сони | 404 | 401 | 365 |
| Маблағ билан таъминланган илмий-тадқиқот ишларида қатнашган профессор-ўқитувчилар умумий сони | 57 | 109 | 142 |
| Маблағ билан таъминланган илмий-тадқиқот ишларида қатнашган профессор-ўқитувчилар улуши, % | 14 | 27 | 39 |
| Маблағ билан таъминланган илмий-тадқиқот ишларида қатнашган талабалар сони | 15 | 21 | 27 |
| Бир профессор ўқитувчига тўғри келадиган маблағ, минг сўм | 216,5 | 731,8 | 1 277,0 |

*Жадвал муаллифи Тошкент ахборот технологиялари университети маълумотлари восидаси тузилган

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2006 йилда 87,4 млн. сўмлик илмий тадқиқот ишлари бажарилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 3,3 мартага ортган ва 293,4 млн. сўмни ташкил этган. 2008 йилга келиб эса хориждан илмий тадқиқот ишларига жалб қилинган маблағлар 465,9 млн. сўмга тенг бўлган, бу 2007 йилга нисбатан 1,5 марта кўп демакдир. Шунингдек илмий тадқиқот ишларида қатнашган профессор-ўқитувчилар сони ҳам йилдан йилга ортганини кўришимиз мумкин, яъни 2006 йилда 57 нафар профессор-ўқитувчилар илмий тадқиқот ишларида иштирок этган бўлса, 2007 йилда 109 нафар, 2008 йилда эса 142 нафар профессор-ўқитувчи илмий тадқиқот ишларида қатнашган. Умуман олганда, 2008 йилда хориж грантларда иштирок этган профессор-ўқитувчилар улуши 39 % тенг бўлган ва бу

кўрсаткич бугунги кунда энг юкори кўрсаткич хисобланади. Хориж грантлари асосидаги илмий тадқиқот ишларида иқтидорли талабалар иштироки ҳам ижобий кўрсаткич, яъни 2008 йилда 27 нафар иқтидорли талаба бу жараёнда қатнашган ва бу 2007 йилга нисбатан 128% кўп демакдир. Бир нафар профессор-ўқитувчига тўғри келадиган маблағлар таҳлилига кўра, 2006 йилда бир нафар профессор-ўқитувчига 216,5 минг сўм тўғри келган бўлса, 2007 йилда 731,8 минг сўмни ҳамда 2008 йилда эса 1277,0 минг сўмни ташкил этган. Университетда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш ва бу жараёнга ёш олимлар ҳамда иқтидорли талабаларни кенг жалб этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири хисобланади.

Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади. 2008 йилда умумий ҳажми 78,54 млн. сўмлик илмий ишланмалар жорий этилган бўлса, жорий этишдан олинган иқтисодий самарадорлик 113,0 млн. сўмга тенг бўлди.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий тадқиқот ишлари ҳамда инновацион фаолиятида профессор - ўқитувчилар иштирокини кескин ошириш, мавжуд илмий салоҳиятни долзарб илмий йўналишларга сафарбар этиш учун илмий-техник ишланмаларнинг соҳа муаммоларини ечишга ва амалда тадбир этилишига эришиш лозим. Жумладан, Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялар марказида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш жараёнларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги, иқтисод ва таълим соҳаларида, устувор йўналишларда ихтисослашган дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи илмий гуруҳлар яратиш ва бу жараёнларга иқтидорли талабаларни кенг жалб этиш университетнинг инновацион фаолиятини ривжлантиришга замин яратади.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Олий ўқув юртлари инновацион фаолиятни бошқаришни такомиллаштириш”** деб номланиб, инновацион фаолиятни сифат кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиш услубининг афзалликлари баён қилинган, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган услубиётнинг асосий хусусиятлари очиб берилган, олий ўқув юртларининг инновацион салоҳиятини амалда намоён этишга доир амалий тавсиялар берилган.

Илмий тадқиқотлар натижаси шунини кўрсатмоқдаки, олий ўқув юртлари ўзининг инновацион фаолиятини амалга ошириш давомида бир қатор муаммоларга дуч келишмоқда. Мазкур муаммоларни молиявий-иқтисодий, юридик, ташкилий, кадрлар билан боғлиқ, ахборот-маркетинг хусусиятли муаммоларга ажратиш мумкин. Ушбу муаммоларни ҳал этишда олий ўқув юртларида амалга оширилаётган илмий-инновацион фаолияти сифатини баҳоламоқ муҳимдир. Бунинг учун энг аввало, мазкур жараёнларнинг аниқ параметрларини белгилаб олиш керак бўлади.

Маълумки, бирон бир жараён ёки фаолиятнинг сифатини, миқдор кўрсаткичларидан фойдаланмасдан туриб ифодалаб бўлмайди. Қолаверса, сифатни баҳолаш билан боғлиқ ҳар қандай иқтисодий муаммо ўз моҳият негизига кўра, кузатилаётган объектни миқдор кўрсаткичлари воситасида тавсифлашни тақозо этади. Ўйлашимизча, айнан шунинг учун бирон бир жараён ёки фаолиятнинг сифатини баҳолаш - иқтисодий фаннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолган.

Амалга оширилаётган илмий-инновацион фаолиятнинг айрим жиҳатларини ифода этувчи кўрсаткичларни баҳолаш учун субъектив хусусиятли «оғирлик коэффициентлари»дан эмас, балки объектив ва реал хусусиятли юқори ва қуйи даражали чегараларидан фойдаланиш лозим.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот ишида муаллиф томонидан илмий тадқиқот муассаса ва олий ўқув юртлири инновацион фаолиятининг миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш услубияти таклиф этилган.

Таклиф этилаётган услубдан республикамининг барча олий ўқув юртлири, жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги олий ўқув юртлирининг фаолиятини назорат қилиш инспекцияси ходимлари бирдек фойдаланиши мумкин.

Мамлакат инновация тизимининг марказида инновацион-технологик мажмуа туриши лозим. У таълим-тарбия тузулмаларининг ресурс салоҳияти асосида яратилиб, кенг доирадаги турли функцияларни бажаради.

Республикада ана шу инновацион-технологик мажмуани яратишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий тизимда, шунингдек, унинг асосий ишлаб чиқариш бўгинларида инвестицион-инновацион фаолликни ривожлантириш;
- янги техника ва технологияларни яратиш ва ишлатишда - фан, ишлаб чиқариш ва бозор ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш;
- реал ишлаб чиқариш соҳасида илмталаб тармоқларни ривожлантиришга кўмак бериш.

Илмий ишда инновацион-технологик мажмуаниннг асосий элементлари сифатида қуйидаги тизимости қисмлар асосланган: билимлар генерацияси (алмашуви), инновацион ва технологик кадрларни ўқитиш ва касбий тайёрлаш; илмталаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш; инновацион инфратузилмаларни такомиллаштириш.

Диссертация ишида олий ўқув юртида амалга оширилиши керак бўлган инновацион фаолиятнинг мақсад ва вазифаларини ифодаловчи тузилмавий-манتيқий модел таклиф этилган. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Моделда олий ўқув юртида амалга ошириладиган инновацион фаолият негизида учрайдиган ва келгусида бартараф этилиши лозим бўлган асосий камчиликларни аниқлашга эришилди. Бу камчиликларни қуйидагича таърифлаш мумкин:

- олий ўқув юртларида амалга оширилаётган илмий-техник, инновация, лойиҳа ва дастурларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ишларни мувофиқлаштириш яхши йўлга қўйилмаган;

- бир вақтнинг ўзида бир қанча олий ўқув юртларининг иштирокида амалга оширилиши лозим бўладиган мажмуали лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар етарлича яратилмаган;

- олий ўқув юртларида амалга оширилаётган инновацион фаолиятнинг пировард натижалари қанчалик самарали эканлигини аниқ билиб олиш учун керакли ахборотлар тўлиқ эмас;

- амалда аниқ мақсадга йўналтирилган маркетинг фаолияти ривожланмаган;

- олий ўқув юртларида интеллектуал мулкни ҳимоялашга қаратилган муносабатлар тизимини такомиллаш;

- олий ўқув юртларида инновация лойиҳаларини амалга ошириш ва инфратузилмани ривожлантириш ишларини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари манбаларни излаб топишга йўналтирилган аниқ ҳаракатлар етарли эмас.

Алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган камчиликлардан бири - бу олий ўқув юртларининг инновацион фаолияти амалда жорий таълим жараёнларининг ажралмас таркибий қисмига тўлиқ айланмаган. Илмий-техник соҳада тўпланган амалий иш тажрибасидан кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида керакли даражада фойдаланилмайди.

2. Таркиб топаётган бозор муносабатлари шароитида олий ўқув юртларининг инновацион фаолиятини янада фаоллаштириш ва ривожлантириш, самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаб беришдан иборат. Шу билан бирга қўйидаги тартибда белгиланадиган алоҳида мақсадлар ҳам қўйилган:

- янгича иктисодий-ҳуқуқий шарт-шароитларда олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларнинг самарали фаолият юритишига яқиндан ёрдам бериши мумкин бўладиган иктисодий-ташқилий механизмларни излаб топиш ва синовдан ўтказиш;

- олий ўқув юртларининг илмий ходимларини, профессор-ўқитувчиларини ва талабаларини интеллектуал бизнес соҳасидаги фаолиятга жалб этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни тақлиф этиш;

- кичик қўламларадаги илмий-инновацион тадбиркорлик жараёнлари иштирокчиларининг умумий маданиятини юксалтириш, бу соҳада фаолият юритишга қодир бўлган менежерларни, тадбиркорларни тайёрлашга, илмий жамоаларга хизматлар кўрсатишга ихтисослашган инфратузилмани ривожлантириш ишига ёрдам кўрсатиш;

- ички ва ташқи бозорларда республикамиз олий ўқув юртларида яратилган инновацион маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам бериш;

- илмий-инновацион фаолият соҳаларида инсофли рақобатчилик ва тадбиркорлик авж олиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга ёрдам кўрсатиш.

3. Юқорида санаб ўтилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этилиши лозим бўлади:

- республикамиказ олий ўқув юртлари ва айрим минтақаларининг ўқув-илмий-ишлаб чиқариш салоҳиятини тўлиқ намоён бўлишига эришиш ҳамда маҳаллий даражадаги муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида олий ўқув юртларида яратилган устувор аҳамиятли инновация лойиҳалари ва дастурларни амалга оширишни таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига, инновацион фаолиятни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланишига эришиш;

- олий ўқув юртлари негизида шакллантирилган кичик кўламли илмий-инновацион тадбиркорлик инфратузилмаси асосида ўзаро боғланган, хатти-ҳаракатлари мувофиқлаштириладиган технопарклар, инновацион-технологик марказлар, шериклик-васийлик, бизнес-инновацион ҳамкорлик, савдо уйлари, турли хил жамғармалар, банклар ва корхоналарнинг корпоратив тизимини ривожлантириш;

- олий ўқув юртлари негизида амалга оширилган илмий-техник ҳамда интеллектуал фаолият натижаси сифатида вужудга келадиган инновацияларнинг энг рақобатбардошлиги ва фойдалилигини саралаб олиб бозорга чиқариш учун танловлар тизимини тадбиқ этиш;

- олий ўқув юртлари негизида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ёрдам берадиган, ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотларни илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриш салоҳиятига эга бўлган, барқарор фаолият юритадиган илмий-техник гуруҳлар ва жамоаларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- олий ўқув юртлари негизида инновацион фаолият билан шуғулланувчи барқарор меҳнат жамоаларининг минтақадаги корхоналар, ташкилотлар, тадбиркорлик ва бошқа турдаги иқтисодий тузилмалар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш;

- илмий-техник патент, ҳуқуқий ва иқтисодий экспертиза, лойиҳалар ва уларни амалга ошириш натижаларидан фойдаланиш тизимларини такомиллаштириш борасида тўпланган иш тажрибаларини умумлаштириш мақсадини кўзлаб ишга алоқадор маълумотлар базасини ташкил этиш, турли хил ахборотларни тўплаш, ахборот оқими ҳаракатини ва ахборот алмашувини тартибга солиш;

- олий ўқув юртлари негизида инновацион фаолият билан шуғулланувчи кичик кўламдаги тадбиркорлик субъектлари, илмий-инновацион хусусиятли товарлар ишлаб чиқарувчилари ва шундай маҳсулотларнинг салоҳиятли истеъмолчилари учун аҳамиятли бўлган турли хилдаги ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва сақлаб туриш; бозор конъюнктурасини ўрганиб бориш;

турли хилдаги инновация дастурларини ва лойиҳаларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш жараёнлари иштирокчиларига консалтинг ҳамда ташкилий-услубий жиҳатдан ёрдам бериш;

- олий ўқув юртлари негизда инновацион фаолият билан шуғулланувчи кичик кўламдаги тадбиркорлик субъектларига капиётчилик билан шуғулланишда, принципиал жиҳатдан янги бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, илм-фан янгиликлари асосида шакллантирилган янги техника ва технологияларни ўзлаштириб олишга ёрдам кўрсатиш;

- олий ўқув юртлари негизда инновацион фаолият билан шуғулланувчи кичик кўламдаги тадбиркорлик субъектлари бўлиб етишиши мумкин бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг халқаро тижоратчилик тизимига кириб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- хорижий тадбиркорлар, фирмалар, жамғармалар ҳамда халқаро микёслардаги илмий-техник ҳамкорликнинг замонавий тенденциялари ва йўналишлари, шунингдек, республикамиздаги салоҳият жиҳатдан жаҳон бозорларида ўзининг илмий-инновацион маҳсулотлари билан рақобат қила оладиган янгиликлар, лойиҳалар ва субъектлар ҳақидаги маълумотлар базасини яратиш;

- ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида фаолият юритувчи кичик кўламдаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, хорижий сармоялар манбаини излаб топишга, уларга савдо-сотик, илмий-техник, ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантиришга, чет эллик фирма ва ташкилотлар билан аҳборот алоқаларни ўрлатиши, халқаро микёсдаги инновацион фаолият дастурларида, лойиҳаларида, кўргазмаларида ва ярмаркаларида фаол қатнашиши учун қулай шарт-шароитларни яратиб бериш.

Диссертацияда қўйилган мақсадларга эришиш, олий ўқув юртлари тизими негизда олиб бориладиган илмий тадқиқотчилик фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш учун олий ўқув юрти фаолиятини бошқариш тузилмасига янги бир бўлимини киритилиши тақлиф этилади.

Бугунги вазиятнинг ўзига ҳسслиги шундан иборатки, бир томондан, sanoat салоҳиятидан кенг фойдаланиш, бошқа томондан эса, таълим тизимини янгилаш ва ислоҳ қилиш муаммолари республика олий ўқув юртлари ҳамда sanoatнинг салоҳияти ва ресурсларини, имкониятларини бирлаштирган ҳолда, биргаликда ҳал қилиниши мумкин ва шарт. Мазкур муаммолар ва интеграциялашув имкониятлари меҳаллий даражада яхшироқ англанади, бу эса Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида илмий, илмий-техник, инновация, снбсат концепциясида, шунингдек, вазирилик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тайёрланган бир қатор тармоклараро илмий-техник дастурларда ўз аксини топади.

ХУЛОСА

Диссертацияда асосий эътибор назарий ҳамда амалий жиҳатдан олий таълим тизимининг инновация салоҳиятини, республикамиз минтақалари миқёсида инновация тизимларини шакллантириш, миллий инновация сиёсат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ўрганишга қаратилди ва тадқиқот натижалари асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Миллий иқтисодиётимизни барқарор ўсишини таъминлаш учун мамлакатимизда инновация жараёнларни кенг кўламда авж олдириш, бу соҳадаги фаолликни ошириш ҳисобига фуқароларнинг турмуш фаровонлигини кескин ошириш, жаҳон давлатларидан ахборот ва иқтисодий жиҳатдан ажралиб қолмасликка эришиш ва халқаро миқёсдаги интеграция жараёнларида фаол иштирок этиш билан эришиш мумкинлиги асосланган.

2. Таълим тизимларининг инновацион салоҳиятидан миллий инновация сиёсатни амалга оширишда ўринли фойдаланиш натижасида республикамизнинг минтақавий хўжалик тармоқларида алоҳида таркиблаштирилган ҳамкорлик тизимини шакллантиришга имкон бериши аниқланди ва бу фаолиятни амалга ошириш хусусида мамлакатимизда мавжуд бўлган ижтимоий фикрни тубдан ўзгартириш асосида янгича хўжалик юритиш тизимини шакллантириш ва минтақалар миқёсида иқтисодий тараққиётни юксалтириш учун асос бўлиши белгиланди.

3. Олий ўқув юртлири салоҳияти жиҳатидан илмий-техник тараққиётининг, кашфиётчилик ва инновацион фаолиятнинг асосий ядросида эканлиги ва бу тизимдаги қудратли интеллектуал ва илмий-техник салоҳиятдан тўғри ва унумли фойдаланиш орқали истикболда жаҳон бозорларида рақобатбардош товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга муваффақ бўлиш асосланиб берилди.

4. Кўпгина саноат тармоқларининг эҳтиёжларини қондиришга ихтисослашган ва фундаментал илм-фан тузилмалари билан бирга юксак интеллектуал салоҳиятга ҳамда мустахкам моддий-техник базасига эга бўлган олий ўқув юртлири илмий изланишлар марказига айланиб бориши ва олий ўқув юртлири нафақат ўзининг илмий-техник салоҳиятини сақлаб қолганлиги, балки уни янада ривожлантириб ва такомиллаштириб бораётгани асосланди.

5. Олий таълим тизимларининг интеллектуал салоҳияти ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолият пировард натижада республикамизнинг ва хусусан, минтақаларимизнинг иқтисодий тизимини инновация типидagi ишлаб чиқариш тизимига айланиши исботланди.

6. Илмий ишда республика олий таълим тизимларининг инновация салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш йўллари тақлиф этилган. Ушбу масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши учун ташкилий-иқтисодий масалани мажмуали асосда амалга оширилиши ва олий ўқув

юртларининг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини сифат жиҳатидан баҳолаш услубиётини яратилиши лозимлиги асосланди.

7. Диссертация тадқиқотлари таълим хизматларидан, ноширлик, ташқи иқтисодий, ахборот-кутубхона ва бошқа фаолиятдан даромадлар кўринишидаги бюджетдан ташқари маблағларни кенг жалб этиш ҳисобига ўқув yurtларини молиявий таъминлаш, бюджетдан ташқари кўшимча манбаларини жалб қилиш бўйича қатор инновация таклифлари тайёрлашга имкон берди. Олий ўқув yurtининг фаолиятини бошқариш тузилмасига янги бир бўлимни киритиш таклифи этилади.

Илмий-инновацион ва ахборот-таҳлилий фаолият бўлими, деб ном оладиган мазкур ташкилий тузилманинг асосий функционал вазифалари кўйидагилардан иборат бўлади:

- олий ўқув yurtида кечадиган таълим бериш жараёнлари ва илмий фаолият соҳаларини турли хил ахборот-таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш;

- олий ўқув yurtи факультетлари, кафедралари ва бошқа ташкилий тузилмалари олиб бораётган илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилиш;

- олий ўқув yurtи талабаларининг илмий тадқиқот ишларига жалб этишга ёрдам бериш ҳамда мазкур жараёнларни таҳлил қилиб бориш;

- олий ўқув yurtи профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, аспирантлари ва талабаларининг танлов асосида грантларда иштирок этишини ташкиллаштириш.

8. Ўзбекистон Республикасида инновация инфратузилмани шакллантиришнинг муҳим йўналишларидан бири бу турли хил инновация марказлари, технологик паркларни, бизнес инкубатор ва бошқа шу хилдаги тузилмаларни ривожлантириш зарур.

9. Диссертацияда ифодаланган ва илмий жиҳатдан асосланган ғоялар ва таклифлар амалий аҳамиятга молик бўлиб, улардан инновация сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланиш тавсия этилади. Бундан ташқари, ишдаги илмий тадқиқотлар келгусида амалга ошириладиган ушбу мавзуга оид бошқа илмий изланишлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Тешабоев Т.З. Олий ўқув yurtларида инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўллари. Монография. // - Тошкент. “Фан ва технология” нашриёти. 2007, 118 б.
2. Тешабоев Т.З. Олий ўқув yurtлари инновацион фаолиятнинг субъекти ва мамлакат илмий-техник потенциалнинг манбаи сифатида. // Ж. “ТАТУ хабарлари”. – Тошкент, 2007., -№3., Б.78-83.
3. Тешабоев Т.З. Олий ўқув yurtлари-мамлакат илмий-техник потенциалнинг манбаи. //Ж. “Таълим менежменти”. - Тошкент. 2008, №1, Б. 75-83.

4. Teshaboev T.Z. Ilmiy-innovation faoliyatni modellashtirish usullari. // Ж. "Infocom.uz". – Тошкент. 2008, №1. Б. 95-96.
5. Mo'minov N.A., Teshaboev T.Z. Ta'lim tizimiga xorijiy sarmoyalarni jalb etishni takomillashtirin yo'llari //Ж. "ТАТУ хабарлари". – Тошкент, 2008, №2. Б.77-80.
6. Тешабоев Т.З. Бозор шароитида ташкилот ва илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик менежментининг самарали бозор стратегияси. //Ж. "ТАТУ хабарлари",-Тошкент, 2008, №3. Б. 71-80.
7. Тешабоев Т.З. Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият. //Ж. "Жамият ва бошқарув". Тошкент, 2009, №2. Б. 73-76.
8. Тешабоев Т.З. Олий ўқув юртлари инновацион фаолият бошқарувини такомиллаштириш //Ж. "Биржа-Эксперт". – Тошкент, 2009, №3. Б. 3-8.

Иктисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Тешабоев Тўлқин Зокировичнинг 08.00.13.- “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича “Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги диссертациясининг РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: илмий-инновацион фаолият, инновацион салоҳият, олий таълим муассалари, тузилмавий маантикий модел, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, интеграллаштириш, муносабатлар тизими, илмий лойиҳа, кашфиётлар, тажрибавий конструкторлик ишлари.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассалари, уларнинг илмий бўлимлари, илмий-инновацион тузилмалари олинган.

Ишнинг мақсади: олий таълим тизимида инновацион фаолиятнинг назарий-услубий ғояларини тадқиқ этиш асосида уни бошқаришни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари. Илмий ишни амалга ошириш давомида тизимли таҳлил, абстракт-маантикий, монографик, таққослаш, иктисодий-математик усулларида кенг фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: олий таълим муассасаларининг инновацион фаолиятни бошқариш ва уларни тартибга солиш тўғрисидаги илмий ёндашувлар ва “инновацион фаолият” тушунчаси асосланган; бозор муносабатлари шароитида миллий олий таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг тузилмавий модели асосланган ҳамда мақсад ва вазифалари ишлаб чиқилган; олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион фаолиятини тавсифловчи миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш услублари тақлиф этилган.

Амалий аҳамияти: Диссертациянинг яқуний натижалари республикамиз миқёсида илмий-инновацион фаолият бозорини шакллантириш учун аҳамиятли бўлган назарий, услубий ва амалий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, тўпланган илмий маълумотлар, чиқарилган хулосалар ва амалий аҳамиятга молик бўлган тавсиялар республикамизнинг олий таълим муассасаларида қўлланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иктисодий самарадорлиги: Диссертациянинг асосий натижалари ва хулосалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиларига инновацион менежмент, замонавий менежмент назарияси ва амалиёти фанларидан таълим бериш жараёнида ҳамда инвестицион фаолиятни бошқариш фанидан ўқув комплекси тайёрлашда (маълумотнома №07/357-20.03.2009) ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети (маълумотнома №128/01-05.02.2009) илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятда фойдаланиш учун қабул қилинган.

Қўлланиш соҳаси: тадқиқот натижалари Ўзбекистон олий таълим муассаларида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришда қўлланилади.

РЕЗЮМЕ

диссертации Тешабоева Тулкина Зокировича на тему: «Пути совершенствования инновационной деятельности в высших учебных заведениях» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13. «Менеджмент и маркетинг».

Ключевые слова: научно-инновационная деятельность, инновационные способности, высшие учебные заведения, структурно-логическая модель, количественные и качественные показатели, интеграция, система отношений, научный проект, конструкторские работы практических изобретений.

Объектом исследования: является научно-инновационные структуры в высших учебных заведениях Республики Узбекистан и их научные отрасли.

Цель работы: на основе исследование основные теоретические - методологические идеи инновационной деятельности в системе высшего образование разработать научные, практические рекомендации по совершенствованию управление инновационной деятельности.

Методы исследования: при научной работе использованы методы систематического, абстрактного и логического, монографического, сопоставительного, экономического - математического анализ.

Полученные результаты и их новизна: обоснована термин «инновационная деятельности» и научный подход управления и регулирования инновационной деятельности высших учебных заведений; обоснована структурный модел развития инновационной деятельности высших учебных заведений, а также, разработано целей и задач в условиях рыночных отношений; предложена методика изменения показателей количества на показателей качества, которые характеризуют научно-инновационную деятельность высших учебных заведений;

Практическая значимость: окончательные результаты диссертации могут служить теоретическим, методологическим и практическим основам, имеющим значение в формировании научно-инновационной деятельности рынка республики; кроме того, собранные научные сведения, сделанные выводы и практические рекомендации могут быть использованы в высших учебных заведениях республики.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные результаты и выводы применяются в разработке учебных комплексов по дисциплине управление инвестиционной деятельности, а также, применяются в учебном процессе при преподавании дисциплин инновационный менеджмент, теория и практика современного менеджмента в Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан (справка №07/357-20.03.2009) и научной исследовании и инновационной деятельности Ташкентского университета информационных технологий (справка №128/01-05.02.2009).

Область применения: результаты исследования нашли своё отражение в организации и управлении инновационной деятельности высших учебных заведений Узбекистана.

RESUME

Thesis of Teshaboev Tulqin Zokirovich on the scientific degree competition on the doctor of Philosophy in economic sciences, on specialty 08.00.13-«Management and marketing», subject «Ways of perfection of innovative activity in higher educational institutions»

Keywords: scientifically-innovative activity, innovative abilities, higher educational institutions, structurally-logic model, quantitative and quality indicators, integration, system of relations, the scientific project, design works of practical inventions.

Subject of research: scientifically-innovative structures in higher educational institutions of Republic Uzbekistan and their scientific branches.

Purpose of work: on a basis research the cores theoretical - methodological ideas of innovative activity in system of the higher education to develop scientific, practical recommendations about perfection management of innovative activity.

Research methods: At the scientific work used the methods regular, abstract and logic, monographic, comparative, economic- mathematical analyses.

The received results and their novelty: provided the term «innovative activity» and the scientific approach of management and regulation of innovative activity of higher educational institutions; provided the structural modul of the development of innovative activity higher educational an institution, and also, developed the purposes and problems in the conditions of market relations; the offered technique of change of indicators of quantity on indicators of quality which characterise scientifically-innovative activity of higher educational institutions;

The practical value: definitive results of the dissertation can serve the theoretical, methodological and practical bases important in formation of scientifically-innovative activity of the market of republic; except that, the collected scientific data, the drawn conclusions and practical recommendations can be used in higher educational institutions of the republic.

Degree of embed and economic efficiency: the basic results and conclusions are applied in working out of educational complexes on discipline management of investment activity, and also, used in educational process at teaching disciplines innovation management, the theory and practice modern management in Academy state and public construction under the President of Republic of Uzbekistan (inquiry №07/357-20.03.2009) and scientific research and innovation activities of Tashkent university of information technologies (inquiry №128/01-05.02.2009).

Field of application: results of research have found the reflexion in the organization and management of innovative activity of higher educational institutions of Uzbekistan.

Тадқиқотчи:

Босишга рухсат этилди 06.11.2009 й.
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 1,0. Тираж 100.
Буюртма №150.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi»да чоп этилди.
100003, Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171-уй.